O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ 2
КАФИЛЛИК 3
БИНОНИНГ ЭГАСИ КИМ? 3
ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ 4

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 35 (391)
2004 йил 14 сентябр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

*Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.*

*Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.*

“ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА

## БИРГАЛИКДА КУРАШ ШАРТИ

***Россия Федерациясининг Беслан шаҳрида рўй берган ўта мудҳиш жиноят — 1 сентябр куни мактабга қадам қўйган ёш болалар, уларни мактабга кузатиб борган ота-оналар, мактаб ўқитувчилари — минг нафардан ортиқ бегуноҳ инсонлар террорчилар томонидан қийноққа солинган ҳамда қатл этилгани бутун дунёни ларзага солди. Бу галги террорчилик хуружи хуфёна тарзда илгаригидан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда амалга оширилди.***



Натижада бегуноҳ инсонлар ва ҳимоясиз масъум болалар террор қурбони бўлишди. Терроризм ўзининг жирканч башарасини яна бир бор кўрсатди. Ушбу мудҳиш воқеа инсон ақлу заковатини ишга солиш, барча давлат ва халқлар **биргаликда** террорчиларга қарши қатъий кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш зарурлигини кўрсатди.

Хўш, террорчиликка қарши курашда қандай усул ва услублардан фойдаланиш лозим?

Бу саволга жавоб топишдан олдин Президентимиз Ислом Каримовнинг Беслан шаҳрида террорчилар қўлида қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириш муносабати билан Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонасига ташрифи чоғида билдирган фикр-мулоҳазаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки террор балосини барча давлатларнинг ҳамкорлиги орқали бартараф этиш мумкин.Бу эса ўз навбатида кураш усул ва услубларини аниқлаштиришни тақозо этади. Шу маънода қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур.

Гап шундаки, террорчилик ҳаракатларининг ҳар қандай кўринишлари, субъектив томондан ифодалаганда диний, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий, миллий мақсадларни кўзлашидан қатъи назар, ҳуқуқшуносликда ўта оғир жиноят деб баҳоланади. Жиноят деб айб қўйилган ўта ижтимоий хавфли қилмишлар жазога лойиқ экани барча давлатларнинг қонунчилигида белгилаб қўйилган. Лекин халқаро жиноят ҳуқуқидаги терроризм жиноятига берилган таърифларни ҳар бир давлат қонунчилигида бир хил ифодалаш чорасини, яъни **унификациялаш** тўғрисида ягона халқаро ҳужжат қабул қилинмас экан, бу борада салмоқли самарага эришиб бўлмайди. Чунки терроризмга қарши курашда айнан жиноятга оид қонунчиликдаги меъёрларни амалда қўллаш зарурати ҳар доим мавжуд. Шундай экан, бир давлат иккинчи давлатга ўз ҳудудида террорчилик ҳаракати содир этган бирон-бир жиноятини ушлаб бериш талаби билан мурожаат қилганда, у давлат жиноятчини ушлаб беришдан олдин жиноят қонунчилигидан терроризм жиноятига берилган таъриф-у таснифни жиноят содир этилган давлатдаги, қолаверса, халқаро ҳужжатдаги тушунчаларни жуда синчковлик билан ўрганиб чиқиб, жиноят қонунларидаги тушунчаларни бир хиллигига эътибор бериши табиий. Мобода жиноятчи ўша давлатнинг фуқароси бўлса, қонунлардаги меъёрни рўкач қилиб, “ўз фуқаромизни бошқа давлатга ушлаб беришимиз мумкин эмас” дейиши мумкин.

Шу каби омиллар туфайли террорчи ташкилотларнинг раҳномалари айрим хорижий давлатларнинг фуқаролигини ёки сиёсий бошпанасини олиб, уларнинг “паноҳида” ҳаёт кечирмоқда. Таҳлиллар, кузатишлар террорчилар ва экстремистик кайфиятдаги жиноятчи тўдаларнинг жавобгарликдан қутулиб, қаерлардадир яшаётган ташкилотчилари кураш усуллари, тактикасини борган сайин такомиллаштириб, ўта махфий, хуфёна тарзда фаолият олиб бораётганидан далолат бермоқда.

Фикримизча, терроризмга қарши кураш билан боғлиқ халқаро ҳужжатлардаги (конвенциялар — 10 дан ортиқ) қоидалардаги муқобил маънодаги **«тутиб бер ёки ўзинг суд қил»** (aut dedere aut judigere) тартиби ўзини оқламаяпти.

Шунинг учун террорчиликнинг даҳшатли кўринишларидан жамиятни ҳимоя қилишда давлатларнинг биргаликдаги курашида энг аввало, БМТ доирасида Хавфсизлик Кенгашидан ташқари айнан террорчиликка қарши курашни ҳар доим **мувофиқлаштирувчи алоҳида қўмита** ташкил этиш зарурати бор. Бундан ташқари, ахборот алмаштириш тизимини жорий этиб, бирон-бир давлатда террорчилик ҳаракати содир этилган заҳоти тинчликсевар кучлар ёрдамида террорчиларни йўқотишни йўлга қўйиш лозим. Учинчидан, қўлга олинган жиноятчига қилмишига яраша жазо белгилаш учун халқаро миқёсида террорчилик билан боғлиқ жиноятларни бир хилда аниқ ва лўнда, ҳеч бир истисносиз, шартсиз малакалашни (квалификация) назарда тутувчи Конвенция қабул қилиш масаласини узил-кесил ҳал этиш зарур. Унда террорчи жиноятчини бошқа давлатларга, у яширинган давлатнинг фуқароси бўлишидан қатъи назар, ушлаб бериши шартлиги акс этиши мақсадга мувофиқдир. Терроризмга биргаликда курашдаги тактика ва стратегиялар жуда хилма-хил, аммо улар ичида энг асосийси давлатларнинг жиноят қонунчилигидаги терроризм жинояти тушунчаси бир хилда, **яъни унификациялаштирилган** бўлиши, унга боғлиқ жиноятчини ушлаб бериш **(экстрадиция)** талабини иккинчи давлат ҳеч бир қаршиликсиз бажаришига эришишдир. Бу ўта хавфли жиноятларнинг илдизини қуритиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунё миқёсидаги ҳамкорлик йўли билангина терроризм балосини даф этиш мумкин.Бу ҳаётий зарурат шартидир.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари доктори**

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Xabar

Шу йил 8 сентябр куни Адлия вазирлигида вазир А. Полвон-зода ва Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлигининг (ЛСА) мамлакатимиздаги ваколатхонасининг раҳбари Янагисава Каэ хоним ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда томонларни қизиқтирган бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Ҳамкорлик дастурини амалга ошириш ва жорий йилнинг 21-23 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида ҳамкорликда семинар учрашувини ташкиллаштириш сингари бир қатор муҳим масалалар келишиб олинди.



Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги Адлия вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, агентлик томонидан Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликда тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу дастур доирасида япониялик профессор Ито Томоёши 2003 йил сентябрдан 2004 йил март ойига қадар Адлия вазирлигининг махсус илмий гуруҳи таркибида тадқиқот ишларида иштирок этди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш дастури иштирокчилари кенгайтирилган бўлиб, илмий гуруҳ таркибига Республика Бош прокуратураси ва Олий хўжалик суди вакиллари ҳам жалб қилинган. Улар билан биргаликда Япония томонидан профессор Кодама Шигеру ҳам тадқиқот олиб бормоқда.

Илмий гуруҳга тадқиқотларни самарали олиб бориш учун вазирлик томонидан зарур барча шарт-шароит яратиб берилган.

Учрашув якунида томонлар ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги аниқ режалари белгилаб олинди.

Диққат, янги рукн: Сайлов қонунчилиги

***Мамлакатимизда бу йил ўта муҳим воқеа — икки палатали Парламентга сайловлар бўлиб ўтади. Бу сиёсий жараённинг муваффақиятли кечиши, ошкора ва адолатли, энг асосийси, муносиб номзодларнинг депутат сифатида сайланиши, энг аввало, халқимизнинг ақл-идроки, саъй-ҳаракатига боғлиқ.***

***Бундан ташқари, ҳар биримизнинг сайлов тўғрисидаги амалда бўлган қонунчилик пухта билишимиз ҳеч шубҳасиз, бу жараённинг муваффақиятли кечишини таъминлайди.***

***Шу маънода таҳририятимиз “Сайлов қонунчилиги” деган янги рукн ташкил этди. Сиз ушбу рукн остида сайловга оид барча саволларингизга аниқ ва мукаммал жавоб оласиз.***

## САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

**САВОЛ:Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатасига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига кимлар эга? Кимлар бу каби ҳуқуқлардан маҳрум этилиши мумкин?**

**ЖАВОБ:** *Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳим яшаётган фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва улар сайловда қатнашмайдилар.*

**САВОЛ: Судланганлиги олиб ташланган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгами?**

**ЖАВОБ:** *Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасида депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган бўлиб, унга биноан, содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод бўла олмаслиги қайд этилган. Демак, судланганлиги олиб ташланган фуқаролар нафақат сайлаш, балки сайланиш ҳуқуқидан ҳам тўлиқ фойдаланиши учун ҳуқуқий асослар мавжуд.*

**САВОЛ: Маҳаллий ва хорижий кузатувчилар тўғрисидаги маълумотларни Округ сайлов комиссиясига кимлар ва қачон тавсия этади?**

**ЖАВОБ:** *Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.*

*Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.*

*Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради. Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси.*

**(Давоми учинчи бетда).**

## КЕЧИККАН ХИЗМАТ

Saboq

***Узоқни кўзлаган ҳар бир тадбиркор фойда ва зарарни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб боради. Бекобод шаҳридаги “Ижод” хусусий фирмаси раҳбари С.Ортиқбоева 1997 йили ҳисоб рақамини “Ғаллабанк”нинг Бекобод филиалига ўтказган эди. Дастлабки йиллар тўловлар ўз вақтида ўтказилиб, тадбиркорнинг ишлари бир меъёрдакета бошлади. Бироқ, кейинчалик унинг ҳисоб-рақамида етарли маблағ бўлса-да, тўлов топшириқномалари ўз вақтида бажарилмагани натижасида зарар кўра бошлади. Албатта, тадбиркор банк банк ходимларининг айби билан моддий зарар кўраётгани тўғрисида “Ғаллабанк”нинг Бекобод филиали раҳбарларини бир неча марта огоҳлантирди. Афсуски, шундан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Шу йилнинг 9 июл куни “Ижод” хусусий фирмаси раҳбари Тошкент вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.***

Тадбиркорнинг шикоят хатида шундай жумлалар бор:

**“Ижод” хусусий фирмаси 1997 йилдан буён “Ғаллабанк”нинг Бекобод филиали билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Банк ва мижоз ўртасида шартнома тузилганига қарамай, фирманинг ҳисоб рақамига қўйилган барча тўловлар вақтидан кечиктириб ўтказилмоқда. Натижада корхонамиз зарар кўрмоқда.** Жумладан, "Ижод" хусусий фирмаси томонидан ялпи даромад солиғи тўлаш учун 2003 йил 15 август куни 45-сонли тўлов топшириқномаси орқали 13300 сўм Бекобод шаҳар Давлат солиқ инпекцияси ҳисоб рақамига ўтказилиши керак эди. Лекин бу тўлов уч кундан сўнг амалга оширилган. 46-рақамли тўлов топшириқномаси ҳам ўз вақтида бажарилмаган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

"Ғаллабанк"нинг Бекобод филиали айби билан Республика йўл жамғармаси томонидан ҳар бир кечиктирилган тўлов куни учун фирмамизга 13848 сўм 24 тийин, Бекобод шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан эса кечиктирилган банк кунлари учун 15916 сўм 47 тийин устама жарималар солинди.

Банк ходимларининг бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришингизни сўрайман".

Тадбиркор шикоят хатига илова қилинган тўлов талабномалари нусхаларига қараганда, 2003 йилда 15 марта, жорий йилнинг апрел ойи охиригача 3 марта маблағ кечикиб тўланган.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари тадбиркор аризасини ўрганиш жараёнида мазкур банк томонидан фирмага нисбатан 2000-2003 йилларда ана шундай кўплаб қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқлашди.

Келинг, сўзимизнинг исботи учун далилларга мурожаат қилайлик.

2001 йил 27 апрел ҳолатига кўра фирма ҳисоб рақамида етарли маблағ борлигига қарамай Бекобод шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2001 йил 26 апрел куни 1645/1 рақами билан қўйилган 16455 сўм "инкасса" топшириқномаси банк ходимларининг эътиборсизлиги туфайли тўлиқ бажарилмаган. Нимагадир атиги 1645 сўм кўчирилган. Орадан 24 кун ўтгач, қолган 14810 сўм пул ўтказилган.

Дард устига чипқон дегандек, банк айби билан тўлов кечикканига қарамай фирмага устама жаримаси қўлланилган.

Шунингдек, Бекобод шаҳар ДСИ томонидан 2001 йил 16 феврал 581/1 рақам билан "Ижод" хусусий фирмасига 49164 сўмга "инкасса" топшириқномаси қўйилган.

`Буни қарангки, банк ходимлари бу тўғрида 5 март куни эслаб қолдиришди ва пулни кўчириб беришди. Бироқ фирмага яна жарима солинди.

Шу тариқа "Ғаллабанк"нинг Бекобод филиали банк ходимлари узоқ вақт мобайнида айбсиз тадбиркорни айбдор қилиб келишган.

Шу боис Тошкент вилояти адлия бошқармаси шу йилнинг 13 июл куни "Ғаллабанк"нинг Бекобод филиали бошқарувчиси А.Абдиев номига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 02-1/2632-сонли тақдимнома киритган эди. Яқинда унга жавоб хати келди. Унда айтилишича, банк филиали бошқарувчиси ўринбосари Ш.Пирнапасов ва филиал бош ҳисобчиси Г.Зариповага "ҳайфсан" интизомий жазоси берилган. Шунингдек, фирмага етказилган моддий зарарни тўлаш масъулияти улар зиммасига юкланган.

Ҳозирги пайтда адлия бошқармаси ходимлари маънавий зарарни ундириш бўйича иш олиб боришмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тадбиркор маблағи дахлсиз ва унинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади. Шу маънода баён этилган воқеа айримлар учун сабоқ вазифасини ўташи тайин.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## ОБУНАЧИЛАРГА СОВҒА

**“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси обуначиларни рағбатлантириш мақсадида “Инсон ва қонун” газетасининг ҳар бир обуначисига совға сифатида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида қабул қилинган қонунлар” деб номланган китобларнинг бирини тақдим этмоқда. Обуначилар ушбу бир маротабалик китоблар берилмаган тақдирда жойлардаги обунани расмийлаштирган почта ва “Матбуот тарқатувчи” жамиятлари ходимларидан уларни беришни талаб қилишга ҳақли.**

*Шу йилнинг 7 апрел куни Андижон электр тармоқлари корхонаси энергия сотиш бўлими тафтиш гуруҳи етакчи муҳандиси Иброҳимжон Мусаев ва электр монтёр Шуҳратбек Нажмиддинов Шаҳрихон туманида жойлашган "Ривож–Тяншин" қўшма корхонасининг электродлар ишлаб чиқариш цехига электр ҳисоблагичини назорат тартибида текшириш учун боришди. Бироқ улар бу ҳақда корхона раҳбарларини хабардор қилмай ишлаб чиқариш цехи ҳудудига киришади ва электр тақсимлаш қурилмаси ичидаги электр ҳисоблагичини текшириб кўришади. Бу текширишга қўшма корхона томонидан фақат электр монтёр Г.Мўйдинов иштирок этган, кейинчалик эса корхона иш юритувчиси Н.Мирзаев келган.*

# УҚУВСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ўз навбатида текширувчилар томонидан корхонанинг электр ҳисоблагичини давлат муҳри бузилгани, иккита трансформатор техник шарт олмасдан алмаштирилгани ҳолатлари аниқлангани тўғрисида далолатнома тузилади. Бироқ бу далолатнома 2004 йилнинг 7 апрел куни тузилиб, имзога тақдим этилмайди, балки орадан олти кун ўтгач, яъни 13 апрел куни имзолаш учун корхона иш юритувчиси Н.Мирзаев ва электр монтёри Г.Мўйдиновга берилади. Ўз навбатида улар далолатномага эътирозлари борлигини билдириб, уни имзолашдан бош тортишади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, мазкур далолатномада қандай айб, камчилик ва нуқсонлар қайд этилган? Шуни айтиш керакки, далолатномада кўрсатилишича, қўшма корхонанинг электрод ишлаб чиқариш цехига ўрнатилган электр ҳисоблагичнинг давлат муҳри бузилгани учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"нинг 65, 136-бандларга биноан электр қуввати истеъмоли бир йилга қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳамда қўшма корхона 6 миллион 143 минг 345,6 сўм қайта ҳисоблаш маблағини тўлаши керак.

Албатта, 6 миллион 143 минг 345,6 сўм кичкина маблағ эмас. Энг ёмони, бу жарима ҳар қандай корхонанинг иқтисодий аҳволига жиддий таъсир қилиши мумкин. Шу боис бундай ноқонуний жарима корхона раҳбарларини сергак торттирди. Улар вазиятга қонуний баҳо беришни сўраб Андижон вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур аризани ўрганиш жараёнида аввало далолатнома нотўғри тузилгани аниқланди. Биринчидан, текширувчилар Иброҳимжон Мусаев ва Шуҳрат Нажмиддинов томонидан корхонага нисбатан "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" нотўғри қўлланилган. Қоиданинг 136-банди маиший абонентлар (аҳоли) билан фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш масалаларига оид. Қолаверса, қўшма корхона ишлатган электр энергиясининг ҳисоби Шаҳрихон тумани электр тармоқлари корхонаси томонидан ойма-ой юритиб борилган ва тўловлар қўшма корхона томонидан вақтида амалга ошириб келинган. Жумладан, 2004 йилнинг 26 март куни туман электр тармоқлари инспектори Муҳаммаджон Умрзоқов электр энергияси сарфини аниқлаш учун корхонага борган ва электр ҳисоблагичини соз ҳолда кўрган, ҳеч қандай эътироз билдирмаган.

Иккинчидан, далолатномада қўшма корхона томонидан 250 КВА қувватидаги трансформатор 400 КВА қувватлигига техник шарт олмасдан алмаштирилгани учун электр таъминотидан узиб қўйилгани корхонанинг 2004 йил 16 апрелдаги 38-сонли чиқиш хати орқали қилинган мурожаатига асосан трансформатор тармоққа уланган. Шу билан бирга қўшма корхона томонидан 2004 йилнинг 12 январ куни 7-сонли чиқиш хати билан, 25 феврал куни 15-сонли чиқиш хати билан Шаҳрихон тумани электр тармоқлари корхонаси раҳбарига ёзма равишда мурожаат қилиниб, трансформаторларни алмаштиришга рухсат сўралган. Рухсат берилгач, 3 март куни қўшма корхонанинг трансформатори алмаштирилган. Бу ҳақда электр тармоқлари корхонаси томонидан далолатнома тузилиб, бош муҳандис К.Нурматов, бошлиқ муовини И.Тўйчиев, инспектор М.Умрзоқов томонидан имзоланган. Лекин қўшма корхонага техник шарт олиш ҳақида талаб қўйилмаган. "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"да трансформаторни техник шарт олинмасдан алмаштирилгани учун энергия таъминоти корхонаси томонидан узиб қўйилиши кўрсатилмаган.

**Ajab savdolar**

"Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"нинг 19-бандида ушбу қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик энергия билан таъминловчи ташкилот ва истеъмолчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланиши лозимлиги қайд этилган.

Бу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан Андижон электр тармоқлари шўъба корхона раҳбари А.Қодиров номига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома корхонада атрофлича ўрганиб чиқилиб, "Ривож–Тяншин" қўшма корхонасига нисбатан "электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик юзасидан қўйилган ноқонуний талаб ижроси тўхтатилди. Шу йил 7 апрел куни "Ривож–Тяншин" қўшма корхонасига ёзилган далолатнома нотўғри деб топилиб, бекор қилинди. Етакчи муҳандис Иброҳимжон Мусаевга "ҳайфсан" интизомий жазоси эълон қилинди.

Бир қарашда ҳаммаси силлиқ якун топгандек туюлади. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бир ходимнинг уқувсизлиги шунча асаббузарлик, оворагарчиликни келиб чиқишига сабаб бўлган.

**Исроилжон УСМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Huquqiy savodxonlik sari**

# КАФИЛЛИК

***Мамлакатимизда бозор муносабатларини янада тараққий эттириш учун бу борадаги мажбуриятли муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўла тартибга солиш лозим бўлади. Шундан келиб чиқиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини ривожлантириш орқали мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш керак. Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш эса махсус усуллар орқали амалга оширилади. Қуйида биз шундай усуллардан бири — кафиллик ҳақида тўхталиб ўтамиз.***

Кафилликнинг моҳияти шундаки, кредитор асосий мажбурият бажарилмаган ҳолда ўз талабларини фақат қарздоргагина юкламай, балки кафилга нисбатан ҳам қўя олади. Асосан бир тараф кафил, бошқа шахс эса ўз мажбуриятининг тўлиқ ёки қисман бажарилиши учун кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига оладиган шартномага кафиллик дейилади (ФКнинг 292-моддаси, 1-қисми).

Кафилликнинг тарихи мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг кадимги турларидан бири сифатида рим ҳуқуқига бориб тақалади. Гай институтида кафиллик **(adpromissio)** қарздор мажбуриятлари бўйича кредитор манфаатларини таъминлаш максадида жавобгарликнинг учинчи шахс томонидан қабул қилинишини ифодаловчи шартнома сифатида шаклланган. Узоқ даврлар мобайнида бу усулнинг моҳияти ўзгармасдан қолган: қарздор мажбуриятини бажармаган ҳолда унинг кредитор олдидаги жавобгарлигини учинчи шахс (кафил) ўз зиммасига олган. Фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиш босқичларида кафиллик жуда кенг қўлланилиб, ҳар қандай қарздорнинг мажбуриятини таъминлашда омил бўлган. Шу жумладан, шахсий мулкка эга бўлмаган ҳолда ҳам қарзни тўлашда қўл келган. Шу тариқа, кафиллик мулк муомиласининг ривожланишига юксак даражада имконият яратди.

Кафиллик шахсий тарздаги вербал (verbum — сўз) шартнома бўлиб, бунда мазмунан "Сўз берасанми – сўз бераман" деган ақидага амал килинади. Қадимда кредитор қарздорнинг сўзини ва қарздор кредиторнинг сўзини эшитиши шарт бўлган.

Рим ҳуқуқида амалда бўлган кафиллик тартиби ҳозирги замон ҳуқуқ тизимида қўлланади. Европа мамлакатларининг барча фуқаролик кодексларида кафиллик шартномасига алоқадор махсус меъёрлар мавжуд. Англо-америка ҳуқуқидаги кафилликка доир меъёрлар суд амалиёти асосида ишлаб чиқилган.

Агар кафиллик пулга оид бўлмаган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, бунда, кўпчилик ҳолатларда, кафил зарарнинг копланиши учун жавоб беради. Аммо Нидерландия қонунчилигига кўра, бундай ҳолатда тарафлар талабни таъминловчи бошқа усуллар хакида эслатма киритиши мумкин. Америка ва Канада қонунларида пул, шунингдек, натурал шаклдаги мажбуриятларнинг кафил томонидан бажарилишига йўл қўйилади.

Ҳуқуқшунос Г.Шершеневич фикрига кўра, кафиллик деганда, қарздор томонидан олинган мажбурият бузилганида, унинг кафили бўлган учинчи шахсга мажбурият бажарилиши ҳақидаги қўшимча шартнинг юкланиши тушунилади. К.Анненков эса, кафиллик, аввало, қарздор мажбуриятли ҳолда қола туриб, қўшимча равишда қарзнинг кафил томонидан қабул қилинишидир, деган фикрни илгари суради. Умуман, "кафиллик" тушунчаси "кафиллик шартномаси" тушунчасидан бироз кенгроқ бўлиб, баъзи ҳолатларни истисно этганда, кафиллик шартномадан эмас, балки тўғридан-тўғри қонундан келиб чиқади, деган қарашлар ҳам мавжуд.

Хуллас, кафиллик илмий-назарий ва амалий нуқтаи назардан мунозарали масаладир. Шундай бўлса-да, амалиётда кафилликнинг шартнома кўринишида тузилиши ҳолатлари кўп учрайди. Амалиётда кафиллик мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида кенг миқёсда қўлланилаётгани ва ўзини оқлаётгани боис, кафилликка асосан бир тараф кафил, бошқа тараф ўз мажбуриятининг тўлиқ ёки қисман бажарилиши учун унинг кредитор олдида жавоб беришни ўз зиммасига олиши тушинилади, деб таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Дониёр РАҲИМОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

**Qonun dastagi**

*Сардоба туманидаги Ш.Рашидов номидаги ДФХБ ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Улуғбек" фермер хўжалиги ва "Сирдарёдонмаҳсулот" ИЧАУ ўртасида 2003 йил 3 декабр куни 366-сонли давлат эҳтиёжи учун дон қабул қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилганди. Унга биноан хўжалик 38 тонна дон етказиб бериши керак эди. Хўжалик бошлиғи М.Муҳаммадиев ғалла қабул қилиш омборига 40,1 тонна ғалла топшириб, шартномавий мажбуриятини 105,5 фоиз қилиб бажарди. Ҳар эҳтимолга қарши "Сирдарёдонмаҳсулот" ИЧАУ билан шу йилнинг 30 июн куни таққослаш далолатномаси ҳам туздириб қўйди.*

# ҲАҚ ТЎЛАНДИ

Кўнгли хотиржам бўлган фермер хўжалиги раҳбари М.Муҳаммадиев дастлаб оёғини бемалол узатиб ётди. Лекин орадан ўн кун ўтса ҳамки ҳисоб рақамига бирор сўм келиб тушмагани кўриб капалаги учиб кетди. Чунки шартноманинг 3,7 бандига асосан тайёрловчи маҳсулотни қабул қилиб олгандан сўнг келишилган нарх бўйича хўжаликка 7 кун муддатда ҳақини тўлаши шарт эди-да.

Шундан сўнг фермер хўжалиги бошлиғи дон қабул қилиш маскани бош ҳисобчиси Гулчеҳра Эшбоевага учрашди.

— Яқин кунларда ҳақингизни тўлаб берамиз, — дея ваъдани қуюқ қилди бош ҳисобчи.

Бироқ орадан анча вақт ўтса-да, фермернинг ҳисоб рақамига бирор сўм келиб тушмади. Шундан сўнг у "Сирдарёдонмаҳсулот" корхонаси ҳисобчиси Зоҳид Шербўтаев ҳузурига йўл олди. У ҳам ваъдани қуюқ қилди.

Шу тариқа қўйни пуч ёнғоққа тўлиб кетган фермер охири Сирдарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат этди. Бошқарма "Ғаллабанк"нинг Сирдарё вилоят бўлимига мурожаат этгач, шу йилнинг 26 август куни банк хўжалик ҳисобига ғалланинг пули ўтказилганини маълум қилди. Бироқ фермер хўжалиги бошлиғи М.Муҳаммадиевга ҳисобчилар Г.Эшбоева ва З.Шербўтаев томонидан маънавий зарар етказилгани учун адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Оқ-олтин туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Республика Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги **"Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўлланишнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги 7-қарорида юқорида баён этилган ҳолларда маънавий зарар суднинг қарори асосида айбдорлардан ундирилиши зарурлиги белгиланган. Энди Г.Эшбоева ва З.Шербўтаев фермерга етказилган маънавий зарарни чўнтакларидан тўлашади. Эътиборсизлик уларга ана шундай қимматга тушадиган бўлди.

**Абдумурот ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Dakki**

*Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Қишлоқ жойларида деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жойларда тўғри ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликлари мамлакатимизнинг иқтисодини янада юксалишига ўзларининг муносиб улушларини қўшишмоқда. Уларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Аммо...*

# ФЕРМЕР НЕГА МУЛЗАМ БЎЛДИ?



Халқимиз орасида "шоли курмаксиз бўлмайди" деган гап юради. Бу бежизга айтилмаган. Бундай дейишимизнинг сабаби бор, албатта. Мингбулоқ туманида фаолият юритувчи "Хўжали ота" фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда жами 67,8 гектар майдоннинг 23 гектарига ғалла, 44,8 гектарида эса пахта етиштиришни режалаштирган. Маълумки, амалга оширилажак барча ишлар аввало маълум ҳужжатларда ўз аксини топади. "Хўжали ота" фермер хўжалиги билан "Намангандонмаҳсулотлари" акциядорлик уюшмаси ўртасида ўтган йил 13 ноябр куни давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича 300-сонли контрактация шартномаси имзоланган. Мазкур шартноманинг 1.1 бандига асосан фермер хўжалиги жамиятга жорий йилнинг 1 августига қадар 28,35 тонна белгиланган нархларда, 28,35 тонна эркин нархларда, жами 56,7 тонна буғдой дони етказиб бериш, "Намангандонмаҳсулотлари" акциядорлик уюшмаси эса шартноманинг 3,6 бандига асосан қабул қилинган доннинг қийматини етти кун ичида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бироқ "Хўжали ота" фермер хўжалиги деҳқонлари 56,7 тонна ўрнига 40,1 тонна дон топшириб, шартнома режасини 70,7 фоизга бажаради, холос.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, фермер хўжалиги аъзолари нега режадагидан 16,6 тонна кам буғдой топширди? Бунинг сабаби нима билан изоҳланади? Ваҳоланки, ўтган йилнинг кузида "Хўжали ота" фермер хўжалигининг бошлиғи Мухторали Деҳқонов 1.148.332 сўмлик 5750 килограмм уруғлик, "Қишлоқхўжаликкимё" туман филиалидан 3,4 тонна азотли, 0,7 тонна фосфорли минерал ўғитлар, Тўрақўрғон нефт базасидан 827 килограмм нефт маҳсулотларини буғдойдан мўл-кўл хирмон яратиш мақсадида қабул қилиб олганди-ку?!

Ҳамма гап шундаки, фермер хўжалигининг бошлиғи ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажармади. Ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашди. Ғалла етиштириш агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмади. Ердан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланди. Натижада режадаги буғдой хирмони яратилмади. Бу нафақат фермер хўжалиги, балки деҳқонга ишониб шартнома тузган "Намангандонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятига ҳам моддий жиҳатдан зиён келтирди.

Томонлар ўртасида тузилган контрактация шартномасининг 4,2-бандида **"ушбу шартномада белгиланган сифатда, микдорда ва муддатларда маҳсулотни топширишдан асоссиз бўйин товлаган "Хўжалик" "Тайёрловчи"га топширилмаган дон баҳосининг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди"** деб белгилаб қўйилган. Ана шу шартноманинг шартига биноан "Хўжали ота" фермер хўжалигидан "Намангандонмаҳсулотлари" акциядорлик уюшмасига ўз муддатида топширилмаган 16,6 тонна донни натура ҳолида ёки унинг 1,215.120 сўм қийматини ҳамда 25 фоиз миқдордаги 303,780 сўм жаримани тўлаши лозим эди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси Фуқаролик кодексининг 333-985 моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори, Хўжалик процессуал кодексининг 135-138-моддалари ҳамда икки тарафлама имзоланган шартноманинг 1.1 ҳамда 4.2 банди талабларига асосан "Намангандонмаҳсулотлари" акциядорлик уюшмасини манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди.

Яқинда мазкур даъво аризаси юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан "Хўжали ота" фермер хўжалигидан 303,780 сўм жарима "Намангандонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятига ундириладиган бўлди. Шунингдек, фермер хўжалигининг бошлиғи М.Деҳқонов жарима тўлайди.

Азалдан боболеҳқонларимиз ерни хазинага қиёслаб, уни ардоқлашган. Чунки ер элулуснинг битмас-туганмас ризқ-рўзи, бебаҳо бойлигидир. Ана шу бойликнинг қадрига етиш нафақат фермер ёки деҳқон хўжаликлари бошлиқлари, балки барчамизнинг бурчимиздир. Ҳеч ким ерни, қолаверса, эл-улусни алдамаслиги лозим.

**Илҳомжон ИСМОИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Shartnoma qonunchiligi**

*Мамлакатимизда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, уларга янги рағбатлантирувчи омилларни яратиб бериш, деҳқонларнинг дунёқарашида мулкка эгалик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ишлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.*

# ЕРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ



Иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида ҳам бошланиб, қишлоқларда мулкдорлар тоифаси босқичма-босқич шакллана борди. Фермерлар, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари дадил майдонга чиқишди.

Мустафо Файзуллаев Бухоро вилоятида биринчилардан бўлиб фермерлик ҳаракатига қўшилди. У 1993 йилдан буён "Арбоб Ғайбулло" фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келмоқда. Бухоро туманидаги Бегжойи қишлоғи аҳолиси Мустафо Файзуллаев билан ҳақли равишда фахрланади. Чунки ўтган йиллар давомида фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштиришда яхши натижаларга эришди. Бу йилги мавсумда чўл ҳудудида баракали хирмон бунёд этилди. 100 гектар майдондан 530 тонна дон олиниб, ҳосилдорлик гектар бошига 53 центнерни ташкил этди.

— 208 гектар пахта еримиз бор. Ҳосил чўғи чакки эмас. Мўлжалимиз гектаридан камида 40 центнер ҳосил олиш, – дейди фермер хўжалиги раҳбари. — Қонунчилигимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилган. Юртбошимизнинг ўтган йил 27 октябрдаги **"2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"**ги Фармони кучимизга куч қўшди. Мазкур Фармон ва шу йўналишдаги ҳукумат қарорида фермер хўжаликларига том маънода эркинлик бериш, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш зарурлигига жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экинлар экиш — ижара шартномасини қўпол тарзда бузиш, деб ҳисобланиши ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чора-тадбирлар қўлланилиши қайд этилган. Мен шартнома қонунчилигига қатъий амал қилиб келмоқдаман. Ўзимнинг ҳаётий тажрибамдан шуни айтишим керакки, бугун қонунга суяниб иш юритган тадбиркор ҳеч қачон ютқазмайди.

Бу — амалдаги қонунларни ўзига таянч деб билган бир тадбиркорнинг фикри. Афсуски, ҳаётда баъзи фермер хўжаликлари томонидан шартнома мажбуриятларини бажармасдан давлат контракти асосида етиштирилиб берилиши лозим бўлган дон, пахта маҳсулотларини етказиб бермаслик ҳоллари ҳам содир бўлиб турибди. Бундай хўжаликлар давлат томонидан бўнак, уруғ учун маблағ олганликларига қарамай контракт асосида келишилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бермаяпти.

Бухоро вилояти прокуратураси вилоят хўжалик судига "Бухородонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти манфаатни кўзлаб, Вобкент туманидаги "Наимбобо-98" фермер хўжалигидан 1.121.000 сўм жарима, 1.770.542 сўм уруғлик пуллари — жами 2.891.542 сўм ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, томонлар ўртасида контрактация шартномаси тузилган. Ушбу шартномага асосан жавобгар даъвогарга дон етиштириб бериши, даъвогар эса етказиб берилган маҳсулот учун тўловни амалга ошириши лозим бўлган. Даъвогар томон жавобгарга 1.770.542 сўмлик уруғлик дон маблағини берганига қарамасдан жавобгар томон иш судда кўрилаётган кунга қадар бир килограмм ҳам маҳсулот етказиб бермаган. Натижада даъвогар етказиб берилган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида, яъни 1.121.000 сўм жарима ҳамда 1.770.542 сўмлик бўнак пулларини ундириш юзасидан даъво киритган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган. "Наимбобо-98" фермер хўжалиги раҳбари Н.Наимов «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 176[1]-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жаримага тортилган.

Шартнома интизомига амал қилинмаган яна бир мисолга эътиборингизни қаратайлик.

Ромитан туман ҳокимининг 2000 йил 22 майдаги 602-сонли қарори билан "Муҳсинобод" фермер хўжалиги рўйхатга олинган эди. Унга Ф.Қурбонов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 41 гектар ер майдони ажратиб берилди. Фермер хўжалиги ва ширкат хўжалиги ўртасида ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

Фермер хўжалиги раҳбари Б.Жўраев ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор бермади. Натижада тупроқ унумдорлиги пасайиб, биологик мувозанат бузилди ва фойдали микроорганизмлар сони камайди. Муттасил уч йил мобайнида пахта ва ғалла топшириш режаси ора йўлда қолиб кетди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ажратиб берилган 41 гектар ер майдоннинг 1, 10 гектаридан белгиланган мақсадларда фойдаланилмади. Ўзбошимчалик шу даражага бориб етдики, жаноб Б.Жўраев ўзи ва қариндошлари учун ҳеч қандай ҳужжатсиз ва рухсатсиз уй-жой қуриш мақсадида пойдевор кўтарди. У деҳқончилик қилишга ажратилган ерни ижарага бериш шартномаси шартларини қўпол равишда бузди.

Фермер хўжаликлари томонидан тузилган контрактация шартномалари бўйича ўзига олинган мажбуриятларига кўра, пахта ва дон экишга мўлжалланган ерларга бошқа экинлар экиш ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, яъни бу ерлардан ўзбошимчалик билан шахсий томорқа сифатида фойдаланиш, уй-жой, иморатлар ёки бошқа иншоотлар қуриш фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларини, жумладан, ер ижараси шартномасини қўпол равишда бузиш, деб баҳоланади. Шуларни инобатга олиб, Ромитан туман ҳокимлиги вилоят хўжалик судига "Мухсинобод" фермер хўжалигини тугатишни сўраб, даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларни амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 1998 йил 15 июлдаги қарори 2-иловасининг 38-бандида фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатлари асосида фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарори ёки суд томонидан тугатилиши кўрсатилган. "Мухсинобод" фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига маҳсулотлар етказиб бериш учун белгиланган ерлардан мақсадсиз фойдаланиб келган. 1,10 гектар ер майдонини экин оборотидан чиқариб, тегишли давлат идораларининг пойдеворини бузиб ташлаш тўғрисидаги талабларини бажармаган. Кўриниб турибдики, қайд этилган мазкур ҳолатлар фермер хўжалигини тугатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Суд "Мухсинобод" фермер хўжалиги томонидан унга ажратилган қолган ер майдонларига давлат контрактация асосида дон ва пахта маҳсулотлари экилгани ҳамда фермер хўжалиги аъзоларининг манфаатларини кўзлаб фермер хўжалигини тугатишни дон ва пахта хомашёсини йиғиштириб олгандан сўнг Ромитан тумани ҳокимлиги зиммасига юклатишни лозим, деб ҳисоблади.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар икки ҳолатда ҳам жавобгарлар даъвони тан олишди. Раҳбари алдов, чап бериш йўлини танлаган фермер хўжаликлари фаолиятига суд жараёнида одилона баҳо берилди.

**Алишер ХАСАНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Qonun dastagi**

# ҲАМКОРЛИК ҲАЛОЛЛИКДИР

"Бекбола" хусусий фирмаси ХТП БВО "Сирдарё" автокорхонасининг 100 фоизлик давлат улушини электрон биржа орқали сотиб олиб, энди мол-мулкни қабул қилай, деб келса, 9 та автотранспорт воситаси етишмасмиш. "Ие, қолгани қани?" деб сўрашса, автокорхонадагилар "борини олаверинг, қолгани..." дермиш.

Ахир, жуда қизиқ-да, бор мол-мулк аввалдан тўлиқ ҳисобланиб, умумий нарх чиқарилгач, пулини тўлаб келганингдан кейин...

Воқеанинг тўлиқ тафсилоти шундай. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 октябрдаги 347-қарорига асосан ХТП БВО "Сирдарё" автокорхонасининг 100 фоизлик давлат улушини Республика кўчмас мулк биржаси Сирдарё вилоят филиалида марказлаштирилган электрон биржа орқали шу йил 30 апрел куни "Бекбола" хусусий фирмаси сотиб олди. Шу куннинг ўзида 030-2004 олди-сотди шартномаси расмийлаштирилди, лекин бу шартнома амалга ошмай қолди.

Хўш, бу жойда ғирромлик қандай келиб чиқди?

Автокорхонадаги 100 фоизлик давлат улуши вилоят мулк бошқармасининг 2002 йил 1 октябрдаги 260-сонли автокорхона мол-мулкини баҳолаш ҳисобига киритилган. Шу йил 30 апрелдаги биржа савдосида **"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"**ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ мижозларнинг топшириғига асосан "Бекбола" фирмаси автокорхона учун энг баланд нарх — 25 миллион 781 минг 880 сўмни таклиф қилган ва сотиб олган. Олди-сотди шартномасининг 4.1 бандига асосан фирма сотиб олинган объект учун пулни тўлиқ тўлаган.

Автокорхонани қабул қилиш ва топшириш ишлари 31 май куни бошланиб, охирига етмай қолган. Чунки корхона томонидан топширилиши лозим бўлган яна 9 та автотранспорт етишмаган. Ушбу транспорт воситаларини ХТП БВО "Сирдарё" бирлашмаси 2002 йил 24 сентябрдаги 53-буйруқ билан ва юқори ташкилот ҳисобланмиш "Дўстлик" канали бошқармаси 2002 йил 7 октябрдаги 43-буйруғи билан бепул ўз балансига ўтказиб олишган.

Бу билан "Сирдарё" сув хўжалиги ҳавзалари бирлашмаси ҳамда "Дўстлик" канал бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги **"2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этиш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва келгусида хусусийлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бўлими 14-банди талабларини қўпол равишда бузишган.

Чунки мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида корхона ёки объектлар балансларидаги асосий воситалар юзасидан ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаслиги лозим эди. Яъни хусусийлаштириш ҳақидаги ариза берилган кундан бошлаб корхонани (қисмлари, пайлари, акциялари) шахсий мулк сифатида бериш ҳуқуқини бошқага ўтказиш ёки корхонани ўзгартиришга қадар бўлган ҳуқуқлар таъқикланиши керак. Корхонани тугатиш, қайта ўзгартириш, банкротлик жараёнларини белгиланган ҳолда ўтказишдан ташқари мулкни давлат тасарруфидан чиқараётган корхона, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосидаги ҳуқуқларини ўзга шахсга ўтказиш ҳам ман этилиши Низомда кўрсатиб ўтилган.

Шу боис ҳам, ХТП БВО "Сирдарё"нинг 53-буйруғи ҳамда "Дўстлик" канали бошқармасининг 43-буйруғи ҳақиқий эмас деб топилиши лозим. "Бекбола" фирмаси 9 та автомашинани биржа орқали сотиб олганини тасдиқлаш, топшириш, қабул қилиш далолатномасини мажбурий тузиш мажбурияти жавобгар зиммасига юклатиш керак.

Ҳозир мазкур иш қонун асосида судда кўриб чиқилиши арафасида. У тезда ижобий якун топиши шубҳасиз. Чунки қонун фирма томонида.

**Мардали МАҲМУДОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# КАФОЛАТ ВА ҲИМОЯЛАШ ОМИЛИ

***Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб келинмоқда. Зеро, бусиз жамият барқарорлиги, ижтимоий адолат, тараққиёт ҳақида гапириш мумкин эмас. Амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий ислоҳотлардан кўзланган мақсад — бозор шароитига ва тез ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига тўлаиқ мос келадиган, ижтимоий, иқтисодий жараёнларни ҳисобга оладиган қонунчилик тизимларини яратишдан иборатдир.***

Мамлакатимизда истиқлол йилларида том маънода янгиланган қонунчилик тармоқларидан бири меҳнат қонунчилигидир. Бу вазифани бажаришга мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ киришилди ҳамда меҳнат қонунчилигидаги нодемократик ва халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос келмайдиган қоидалар бекор қилиниб, улар тегишли тарзда ўзгартирилди. Бунда ходимлар ҳуқуқларининг иш берувчи ҳуқуқидан устиворлиги тамойили асос қилиб олинди.

Айни пайтда амалиётда муайян ижтимоий меҳнат муносабатлари ва жараёнлари қайд этилмоқдаки, улар меҳнат қонунчилиги меъёрлари билан тартибга солинмаган ёки ҳақиқий воқеликни ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. Жумладан, Меҳнат кодексининг 1-моддаси 3-қисмига кўра, **мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади**. Яъни ушбу меъёр Меҳнат кодекси фақат ёлланиб ишловчи ходимларга татбиқ этилишини назарда тутади. Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"**ги Фармонига биноан, фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзолари (ёлланиб ишлайдиган шахслар)нинг меҳнати ҳам меҳнат қонунчилиги меъёрлари билан тартибга солиниши белгилаб берилган. Ушбу янгилик ҳуқуқшунослар ўртасида анча вақтдан буён мунозараларга сабаб бўлиб келаётган саволларга муайян даражада жавоб берди.

Юқоридагиларга кўра, Меҳнат кодексининг 1-моддаси 3-қисмига қўшимча киритилиши ва унда (контракт) сўзидан кейин **"ёхуд фермер (деҳқон) хўжалигига аъзолик"**, деган жумла киритилиши лозим.

Меҳнат кодексининг 234-моддаси 5-қисмида **"Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади"**, деб кўрсатилган. Бизнингча эса, ушбу меъёр бундай кафолатдан фойдаланиши лозим бўлган шахслар доирасини сунъий тарзда торайтиради, оқибатда фуқаролар ҳуқуқлари камситилишига сабаб бўлади. Чунки ушбу модданинг 3-қисмида **"Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди"**, деб кўрсатилган. Назаримизда, ушбу меъёр тўлиқ эмас. Чунки Фуқаролик кодексининг 163-моддасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганда, шунингдек, номулкий шахсий ҳуқуқлар бузилганда даъво муддати қўлланилмаслиги қайд этилган. Республика Олий Суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги **"Меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида"**ги 18-сонли қарорининг 6-бандига кўра, **ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъволарга даъво муддати татбиқ қилинмайди.**

Юқорида қайд этилган ҳолатларга таянган ҳолда, фикримизча, Меҳнат кодексининг юқорида қайд этилган 270-моддаси, 3-қисми янги таҳрирда қуйидагича баён этилса, мақсадга мувофиқ бўларди: **Ходимнинг ҳаётига ва соғлиғига, шунингдек, унга маънавий зарар етказилишидан келиб чиқувчи талабларига даъво муддати белгиланмайди.**

Корхона ва ташкилотларда фойдаланилмаган йиллик меҳнат таътили учун товон пули ундириш соҳасида муайян англшилмовчиликлар юз бериш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунда ўтган қанча вақт мобайнида фойдаланилмаган таътил учун пуллик товон берилиши мумкин, деган саволга жавоб топишда қийинчилик туғилиши мумкин. Масалан, ходим 5 йил давомида таътилдан фойдаланмаган. Бу ерда меҳнат таътиллари берилишига оид қонунчилик талаблари бузилишини ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатларини муҳокама қилмаган ҳолда, ходимнинг ўтган беш йиллик давр учун фойдаланмаган меҳнат таътили ўрнига

**Huquqiy ma`rifat**

пуллик товон берилиши масаласи диққатга сазовор. Меҳнат кодексининг 275-моддаси, 1-қисмига кўра, ходим бундай талаб билан бевосита иш берувчига мурожаат қилган бўлса, бунда иш берувчи бутун 5 йиллик давр учун пуллик товон бериши, яъни ходим талабини тўлиқ қаноатлантирилиши мумкин. Бироқ ушбу тоифадаги меҳнат низосини кўраётган идора (асосан, фуқаролик ишлари бўйича судлар) қандай йўл тутиши керак? Меҳнат кодексининг 275-моддаси, 4-қисмига биноан, бундай талаблар уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилиши керак, деган хулосага келиш мумкин. Аммо қонун меъёрининг (МКнинг 275-моддаси) ифода услуби анча мураккаб бўлгани боис, тўғри хулосага келиш учун муайян малака талаб этилади ва оддий ходимлар буни тушуниб олиши бирмунча қийин. Ушбу мураккаблик амалиётда турли англашилмовчиликларни юзага келтиради. Мазкур муаммони ҳал этишнинг осон йўли, бизнинг назаримизда, Меҳнат кодекси 275-моддаси, 4-қисмига бироз тузатиш киритишдир. 275-модданинг 4-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилмоғи керак: **"Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари (шу жумладан, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун товон пули ундириш тўғрисидаги) уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қаноатлантирилади".**

Меҳнат қонунчилигидаги нуқсон ва камчиликларни аниқлаш, уларни тезкорлик билан бартараф этиш ходимларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда самарали тарзда ҳимоя қилишнинг муҳим омил саналади. Ушбу вазифанинг бажарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан ҳуқуқшунос ҳамда амалиётчилар ўртасида фойдали ҳамкорлик ўрнатилишига боғлиқдир.

**Йўлдош ТУРСУНОВ,**
**Муборак УСМОНОВА**



*Пойтахтимизнинг тунги жамоли*

**Диққат, янги рукн: Сайлов қонунчилиги**

# САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

***(Давоми. Боши биринчи бетда).***

**САВОЛ: Кузатувчилар учун амалдаги қонунда қандай фаолиятлар таъқиқланган?**

**ЖАВОБ:***Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:*

***сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;***

***сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;***

***сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;***

***участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш.***

**САВОЛ: Кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?**

**ЖАВОБ:** *Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:*

*депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;*

*сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши-ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;*

*овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;*

*сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;*

*агар сайлов участкасида ушбу қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.*

**САВОЛ: Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидан кенг аҳоли қатлами қандай тартибда бохабар бўлиши мумкин?**

**ЖАВОБ:** *Амалдаги қонунда белгиланганидек, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.*

**САВОЛ: Сайлов комиссиялари қайси ҳолатларда қарорлар қабул қиладилар?**

**ЖАВОБ:** *Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.*

**САВОЛ:: Қарорлар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қандай?**

**ЖАВОБ:** *Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.*

*Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.*

*Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.*

*Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади. Марказий сайлов комиссияси сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади.*

*Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар-нинг органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.*

**Рукн учун масъул юридик фанлари номзоди Шуҳрат РАСУЛОВ**

**Mushohada**

# ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

***Она тилида сўзлаш нечоғлик фахрли эканини киши ўзга юртларда юрганда чуқурроқ ҳис этади. Бинобарин, тилимиз чинданда бой, гўзал, нафис тилдир. Шеърият мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг шу тилда битган мисралари жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига кирганлигининг ўзи фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Ўзлари ўзбек бўла туриб, она тилини яхши билмайдиган баъзи ёшларни кўрганимда ана шу фикрлар хаёлимдан кечади.***

Тўғри, мен уларнинг турли хориж тилларини, ўрганишларига, шу тилда сўзлашишларига қарши эмасман. Ахир, маърифатпарвар шоир Фурқат:

***Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,***
***Тил воситаи робитаи оламиёндир,***

дея ўзга тилларни ўрганишга, бунинг натижасида инсоннинг тафаккури, дунёқараши бойишига, жаҳонга чиқиш учун йўл очилишига ишора қилган. Демак, ўзга тилни ўрганиш фойдали экан. Лекин бу ўз тилига ҳурматсизлик қилиш ёки уни мукаммал билиш шарт эмас, дегани эмас.

**"Давлат тили тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилинганига 15 йил бўлибдики, ҳамон ўз тилимизнинг қадрини англаб етолмаган юртдошларимиз учраб туради. Автобусда, кўча-кўйда, ҳатто телевидениедаги интервьюларда бошқа миллат вакилларининг ўзбек тилида сўзлаётганларини кўриб бир қувонсак, ўзга тилларни урф сифатида қўллаётган, ҳатто ўшанида бузиб-бузиб талаффуз қилаётган айрим кимсаларни кўриб бир ранжийсиз.

Бир мисол. Автобус ҳар галгидек тирбанд. Ўртароқда турган бир қиз навбатдаги бекатда тушмоқчи бўлди, шекилли, эшик томон силжий бошлади. Эшик олдида турган ўзга миллат вакилига юки оғирлигини, тушишда ёрдам беришни сўрамоқчи бўлиб, рус тилида базўр тушунтира бошлади. Ҳалиги киши бироз индамай турди-да, сўнг "қизим мен ўзбекчани яхши биламан, бемалол гапиравер", деди.

***(Давоми тўртинчи бетда.)***

# МЕҲРГА ТАШНА ҚАЛБ

**СУД ОЧЕРКИ**

Дунёда инсон учун фарзанддан азиз неъмат йўқ. Чунки фарзанд хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, ўсиб-улғайгач, ота-онасининг тоғдек суянчиғига айланади. Айниқса, халқимиз болажон халқ. Ҳар биримиз фарзандимиз ҳеч кимдан кам бўлмасин, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топсин, деб яшаймиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада фарзанднинг дунёга келиши энг катта бахт саналади.

Аммо ҳаёт мураккаб яралган. Баъзан турмушда гулдек фарзанди бўла туриб, унинг тарбияси, келажагига бефарқ қарайдиган, ҳатто ундан воз кечишгача бориб етадиган кимсалар учраб туради.

Зулхумор билан Исроилжон ҳам бир-бирларига кўнгил қўйиб, аҳду-паймон қилишган пайтда ўзларини жуда бахтиёр ҳис қилишди. Уларнинг назарида, бу дунёда ўзларидан бахтли киши йўқдек бўлиб туюлган. Лекин улар негадир ўзаро муносабатини яқинларидан сир тутишарди. Шу зайлда икки ёш тез-тез учрашиб туришди. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб эса бу пинҳона учрашувлар ўз "меваси"ни берди. Яъни Зулхуморнинг кўзи ёриб, улар қиз фарзанд кўришди ва чақалоққа Умида деб исм қўйишди.

Айни ўша кезларда Исроил кутилмаганда ўзгариб қолди. У Зулхуморга нисбатан муомалада бўлар, қизининг номини тилга олгиси келмасди. Орадан кўп ўтмай эса аллақаёққа жуфтакни ростлаб қолди ва қайтиб қорасини кўрсатмади. Қўлида гўдаги билан қолган Зулхумор эса қизини ёлғиз ўзи тарбиялай бошлади. Аввалига

**Jinoyat va jazo**

ҳеч нарса кўрмагандек, бекаму-кўст яшади. Аммо Умида 5-6 ёшга тўлгач, турмуш қийинчиликларига дуч кела бошлади. Топиш-тутишининг тайини бўлмагач, аҳвол шу-да. Ҳаётнинг бу синовларига Зулхумор қизи 7 ёшга тўлгунча чидай олди, холос. Кейин у Умидани Қўқон шаҳридаги 12-сонли меҳрибонлик уйига топширдию, қайтиб ундан хабар олмай қўйди.

***(Давоми тўртинчи бетда.)***

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

***Сайлов жараёнининг мазкур босқичи муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, лекин қонунчилик томонидан энг кам тартибга солинган. Гап шундаки, XVIII-XIX асрларда ва XX асрнинг бошларида ҳам сиёсий кучлар сайловчига бевосита таъсир қила олган. Ҳозирда эса оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлганлиги ва уларнинг имкониятлари жуда кенглигини эътиборга оладиган бўлсак, сиёсий кучларнинг сайловчига таъсир қилиши билвосита бўлса ҳам, жуда юқоридир.***

Демократик давлатларда оммавий ахборот воситаларини монополизация қилинишини олдини олиш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилган бўлишига қарамай қонунлар билан сайловолди тарғиботларини олиб бориш имкониятлари ҳар бир номзодга берилганлиги кафолатлаб қўйилган. Масалан, Италияда Парламент фракциялари вакилларидан иборат бўлган махсус парламент комиссияси партиялар учун тарғиботлар шакли ва вақтини белгилаб беради (пресс-конференциялар, гуруҳлар мунозаралари, "юзма-юз" мулоқотлар ва бошқалар). АҚШда эса номзодлар ўз сайловолди компанияларни таъминлаши учун белгиланган молиявий маблағларнинг 60 фоизидан кўпини оммавий ахборот воситаларидаги тарғиботга сарфлашига йўл қўйилмайди.

Сайлов жараёнининг мазкур босқичидаги энг долзарб муаммо бу сайлов компаниясини молиялаштирилишидир. Кўпчилик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида сайловларни давлат томонидан молиялаштирилиши ҳақидаги меъёрлар мавжуд эмас (Бельгия, дания, Люксембург, Нидерландия ва бошқалар), лекин давлат етарли даражада сайловларни молиялаштирилиши учун маблағлар ажратади, бу ҳолат бюджет ва молиявий қонунчилигида ўз аксини топади. Франция қонунчилиги 5 фоиздан кўп овоз олган номзодларнинг сайловолди ташвиқотларига сарфланган маблағларни қоплашни назарда тутади, 5 фоиздан кам овоз олган номзодларнинг сайловолди компанияси уларнинг ўз сайлов гаровларидан қопланади.

Партиялар ва номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари учун хусусий хайриялар йўл қўйиладиган мамлакатлар қонунчилиги хайрия қилинган маблағлар манбаларини доимо ошкор қилиб турилишини талаб қилади. Баъзан сайлов харажатларининг энг юқори чегараси белгилаб қўйилади, мазкур миқдордан ортиқ маблағ сарфлаш бир қатор мамлакатларда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.



АҚШда номзод томонидан олинадиган маблағлар декларация қилиниши белгиланган, аноним хайриялар миқдори эса 100 доллардан ортмаслиги лозим. Жисмоний шахс томонидан сиёсий партияни қўллаб-қувватлаш учун йилига 25 минг доллар, муайян номзодни қўллаш учун эса 2 минг доллардан ортиқ хайрия қилиниши мумкин эмас. Маблағлар номзод томонидан ташкил қилинган сайлов қўмитаси томонидан йиғилади ва номзод олдида мунтазам равишда ҳисоб беради. Юридик шахсларнинг сиёсий арбоблар ва партияларни молиялаштириши махсус қўмиталар орқали ошкор равишда амалга оширилади.

Мамлакатимизда Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошланиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва шароитлар яратиб берилади, депутатликка номзод беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши, номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилаши, депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш ҳуқуқига эга. Телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар сайловолди ташвиқоти тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Депутатлик-

**Jahon tajribasi**

ка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади ва сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Улар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, маҳаллий давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларининг идоралари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

**"Олий Мажлисга сайлов тўғрисида"**ги қонуннинг 27-моддасига кўра, номзодлар очиқ ва ошкора сайловолди ташвиқотлари олиб борадилар. Бунинг учун номзодларга:

— оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади;

— сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тенг ҳуқуқли шароит яратилиб берилади;

— сайловолди ташвиқотлари харажатлари давлат бюджетидан қопланади;

— номзодларнинг ахборот ва маълумот билан таъминланишида тенг ҳуқуқлик тамойили устувор бўлади;

— номзодларнинг ўз дастурларини баён қилишлари учун кўмаклашилади.

Сайловолди ташвиқоти пайтида номзодларга қуйидагилар таъқиқланади:

— номзодлар ўз дастурларида республика суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат, конституцион тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи ғоялар бўлмаслиги;

— сайловолди ташвиқотларда сайловчиларга моддий хизмат кўрсатиши мумкин эмас.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда сайловолди ташвиқотидаги ана шундай талаблар хорижлик экспертларда қизиқиш ва эътироф уйғотди.

**Садриддин ХИДИРОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

**Ajab savdolar**

# БИНОНИНГ ЭГАСИ КИМ?

***Сурхондарё вилояти "Матлуботсавдо" компаниясига қарашли савдо корхоналарининг аксарияти банкдан қисқа муддатли кредит олган эди.Иш тўғри йўлга қўйилмади шекилли, корхоналар кредит ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлай олмади.***

Шу сабабли компания раҳбарлари савдо корхоналарига қарашли техник воситалар ва дўконларни сотиш эвазига банк қарзларини қайтаришни режалаштиришди. Бироқ бу иш шу қадар антиқа тус олдики, эшитган одам ҳайратдан ёқасини ушлаши тайин. Чунки нархи анча баланд бўлган бино ва техникалар сув текинга сотиб юборилган.

Бундан ҳам ажабланарлиси шундаки, бир дўкон савдо компанияси кузатув кенгаши қарорига кўра қайта нархланиб, бир кишидан иккинчи кишига сотилган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Бойсун туманидаги улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли озиқ-овқат дўкони (гастроном) туман ер ва бино иншоотлари давлат кадастри хизмати томонидан ўн миллион тўққиз юз олтмиш бир минг уч юз сўмга нархланиб, Бойсун туман Давлат нотариал идорасида 2001 йил 16 октябр куни 1И-14-сонли рақам билан қайд қилинган. Савдо компаниясининг кузатув кенгашидаги "ҳотамтой"лар дастлаб фуқаро Г.Худойқуловга дўконни 5 миллион сўмга сотиш тўғрисида қарор чиқаришди. Орадан сал фурсат ўтгач, аниқроғи, 2002 йилнинг 15 июл куни чиқарилган 4-сонли кузатув кенгашининг қарори билан савдо дўкони нархи 2 миллион 50 минг сўмга қайта баҳоланди. Шундай бўлса-да, Г.Худойкулов дўконнинг пулини тўлашга шошилмади. Тўлов бир йил ўтгач, амалга оширилди. Бу орада дўкон савдо компанияси кузатув кенгашининг янги қарори билан "Истиқлол" хусусий фирмасига 4 миллион беш юз минг сўмга сотилди. Хусусий фирма шу йилнинг 2 июл кунидаги 20-сонли тўловнома билан бир миллион, 17-сонли тўловнома орқали 3 миллион 500 минг сўмга савдо дўконини сотиб олди. Ҳар иккала мижоз томондан тўланган пул маблағлари Бойсун тумани улгуржи чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмасининг банкдаги қарзини тўлашга сарфланди.

Шу бирлашма таркибидаги "Шабнам" минимаркети билан боғлиқ можарони эшитсангиз, бу ҳали ҳолва экан дейишингиз шубҳасиз. Гап шундаки, минимаркет мутасаддилари 2003 йил октябр ойида корхона савдосини ривожлантириш учун "Халқбанки"нинг Бойсун туманига 8 миллион сўмлик кредит ажратиш ҳақида мурожаат этади. Минимаркет кредтни қайтариш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу озиқ-овқат дўконини гаровга қўяди ("Шабнам" минимаркети шу дўкон биносида жойлашган бўлиб, у ўтган йили "Соҳибкор" савдо корхонаси ҳисобидан минимаркет ҳисобига ўтказилиб берилган). Энди буёғини сўрасангиз, минимаркетнинг ўтган йил 13 октябр куни банк билан тузилган шартнома асосида олган қарзини қайтариб бериш муддати яқинлашиб қолди. Лекин гаровга қўйилган мулк икки марта ва икки хил нархда кимларгадир сотилиб кетган. Ҳозирги пайтда бир дўконни сотиб олган икки мижоз унинг ҳақиқий эгаси ким эканини аниқлай олмай сарсон. Иккинчи томонда, гаровга қўйилган мулкка ишониб берилган кредитнинг қайтарилмаслик хавфи ортиб бораётганидан банкдагилар ҳам хавотирга тушиб қолишган. Чунки "Шабнам" минимаркетининг ишлари ҳам ўлда-жўлда. Савдо компанияси мутасаддилари ҳеч нарсани кўрмагандай томошабин бўлиб туришибди. Хўш, ушбу можароли савдо дўконининг ҳақиқий эгаси ким? Гаровдаги мулкнинг қайта-қайта сотилавериши қайси мантиққа тўғри келади? Қолаверса, бу масаланинг қонунчиликка қанчалик мос келишини мутасаддилар қандай изоҳлашар экан?..

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mushohada

# ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда.)*

Ён-атрофдагилар қандай жавоб қайтарар экан, дея қизга қарашди, лекин ундан садо чиқмади. Бекатда юкларини туширишга ёрдамлашган ҳалиги кишига лоақал "раҳмат" ҳам демасдан жўнаб қолди.

Ёхуд айрим телефон сўзлашуви қароргоҳларида ёшларнинг гап-сўзларини эшитиб, энсангиз қотади. Тўғри, ўзгалар суҳбатига қулоқ тутиш одобдан эмас, лекин баъзида **"қалай, ништякми?"**, **"ҳа, биз зўр юрибмиз, жить қиляпмиз"**, **"ҳа майли, ничево"**, **"вообще гап бўлиши мумкин эмас"**, **"бўпти, учрашгунча, пока"** дея айтилган узуқ-юлуқ, чала-думбул сўзлар гарчи истамасангда, қулоғингга чалинадики, бундан кулишингнида, куйишингда билмайсан киши.

**"Давлат тили тўғрисида"**ги қонунга биноан кўча номлари, жойлардаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, корхоналарнинг пешлавҳаларини ўзбек тилида ёзиш, барча хизмат нуқталаридаги ҳужжатларни ўзбек тилида юритиш ҳамда йиғилишлару муомала муносабатларининг шу тилда олиб борилаётганига ҳам анча вақт бўлиб қолди. Лекин шунга қарамай айрим жойларда ҳануз чет тилидаги ёзувларга кўзингиз тушади. Масалан, ёнғин хавфсизлигига риоя этиш талаб қилинадиган жойларда "не курить", "курить строго заприщён", "план эвокуации при пожара" деган русча жумлалар ўзбек тилига ўгирилмаганича қолган бўлса, ўгирилганлари ҳам тўғри деб бўлмайди. Чехол тикиш, гўзаллик салони, келин либослари прокатга берилади, пойафзал ремонти, автозапчаст дўкони каби сўзларни айнан ўзбекча деб бўлмайди. Уларни ғилоф тикиш, гўзаллик уйи, келин либослари ижрага берилади, пойафзал таъмирлаш, автомобил эҳтиёт қисмлари дўкони деб ўгириш ҳеч қийин бўлмаса керак. Балки бу гаплар кимгадир эриш туюлар, балки юқоридаги мисоллар оддий, арзимасдек кўринса-да, катта хатолар кичик камчиликлардан келиб чиқиши барчага маълум ҳақиқат. Шундай эмасми?

Ўртоғим кўп қаватли уйда истиқомат қилади. У менга манзилини берар экан, уйи атрофида **"ремонт теле, видео, аудио аппаратуров"** деган паннони мўлжал қилиб олишни маслаҳат берди. Борганимдан сўнг атрофга разм солсам, у панно ёлғиз эмас экан, яъни у ерда **"срочное ремонт обуви"**, **"автомойка"**, **"пошив чехлов"** каби паннолар ҳам анчагина экан. Диққат билан қарасам, ушбу маиший хизмат шаҳобчаларида ишловчиларнинг ҳаммаси ўзбек эди. Назаримда, ёзувларни ўзбек тилига ўгиришни унутишганга ўхшайди.

Ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳаси йўққи, бугун реклама кириб бормаган бўлсин. Реклама — бу энг қулай, самарали, ҳатто арзон ахборот воситаси сифатида кенг қўлланилмоқда. Бу яхши ҳол, албатта. Барчага тушунарли бўлиши учун рус, инглиз ва ўзбек тилларида тақдим этиладиган реклама ёзувларини ҳар куни ҳамма жойда учратиш мумкин. Агар аҳамият бериб қарасангиз, кўпгина рекламалар чет тилида жуда чиройли, қисқа ва тушунарли ифодаланган бўлади ва уни ўзбек тилига ҳам айнан таржима қилишади. Афсуски, бу таржималарнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек чиқмайди, айримлари ҳатто қўпол ҳам бўлиб қолади. Метро вагонида турли сақичлар уюб қўйилган бир суратнинг остига **"Даҳшатли таъм маркази"** деб ёзиб қўйилган. Одатда, тилимизда "даҳшат" сўзи салбий маънода қўлланилади. Сурат ёзувидаги "даҳшат" сўзи қай маънода қўлланилган экан?!

Юқоридаги хатоларни тузатиш мушкул эмас. Бироқ буни фақат эътиборсизлик деб эмас (чунки ҳамма нарсанинг чегараси бўлади), элимизга, тилимизга ҳурматсизлик деб изоҳлаш мумкин холос. Шу ўринда лотин алифбосидаги кўча ёзувларидаги айрим хатолар ҳақида икки оғиз сўз айтишни жоиз деб билдим.

1989 йилнинг 21 октябрида **"Давлат тили тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди ва она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Шунингдек, Бош Қомусимиз Конституцияда ҳам **"Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир"** деган сўзлар битилган. 1995 йилнинг 21 декабрида **"Давлат тили ҳақида"ги** қонун (янги таҳрирда) қабул қилинди. 24-моддадан иборат ушбу қонуннинг 9-10-моддалари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2005 йилнинг 1 сентябридан кучга кириши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда мазкур қонуннинг амалий ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аниқроғи, лотин ёзувидаги кўча, муассаса, ташкилот ва корхоналардаги ёзувларда хатони учратиш мумкин. Айниқса, у, ў, х, ҳ ҳарфларининг ўрни алмаштирилиб, нотўғри ёзилиши натижасида хато жумлалар пайдо бўлади. Масалан, **dukon, marxamat, xo'sh kelibsiz** ва ҳоказо.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо ҳадеб хатоларни такрорлайверишдан эса наф йўқ, бирозгина ҳафсала қилиб, камчиликларни тузатиш лозим. Чунки тилимиз ҳам қонун ҳимоясида. Қонунни бузган ёки бажармаганга эса жазо муқаррар.

Хулоса ўрнида халқимиз тилга эътиборсиз, элга эътиборсиз, деган нақлни бежизга айтмаганини, ўз она тилини ардоқламоқлик, севмоқлик ҳам иймондан эканлигини таъкидлашни истардим. Зеро, тил — дил кўзгуси ва ушбу кўзгуда миллат қиёфаси намоён бўлишини унутмайлик.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**

Taqdir tabiri

# БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН РЕКОРД

***Бугунги кунда Гиннеснинг рекордлар китоби ҳақида эшитмаган ва билмаган киши топилмаса керак. Вақт, масофа, вазн ёки саноқ бирликлари ёрдамида ўлчаш мумкин бўлган ҳам жонли, ҳам жонсиз мавжудотга тегишли энг юксак натижалар қайд этилган мазкур китоб барча учун бирдек қизиқарли бўлиши табиий, албатта. Инсоният тарихидаги дастлабки рекордни 597 йили Суриянинг Антиохия шаҳри яқинидаги тош эҳромда 45 йил умрини ўтказган Авлиё Кичик Симеон ўрнатган бўлиши мумкин. Орадан ўн беш аср ўтибдики, янги-янги рекордлар ҳамон инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ҳар йили дунёда қанчадан-қанча рекордлар ўрнатилаяпти. Қуйида ана шундай ғаройиб воқеалар ҳақида ҳикоя қиламиз.***

## Энг бўйдор эркаклар

Ўз даврининг энг бўйдор одами дея эътироф этилган покистонлик Муҳаммад Аълам Чаннанинг бўйи эса 250,8 см.гача ўсган.

Энг бўйдор эркаклар рўйхатидан жой олган яна бир киши Американинг Иллинойс штатидаги Олтон шаҳрида туғилган Роберт Першинг Уодлоу бўлиб, ўн уч ёшида унинг бўйи 218 см., ўн етти ёшида 245 см, 22 ёшида 272 см.га етди. У 37 АА ўлчамли (47 см) пойафзал кияр, кафтининг ёзиғли ҳолатидаги узунлиги 32,4 см.га тенг эди. 1940 йилнинг 15 июлида вафот этган Уодлоу Олтондаги Оуквуд қабристонига узунлиги 328, эни 81, чуқурлиги 76 см.ли тобутда дафн этилган.

АҚШнинг Теннесси штатидаги Галлатина шаҳрилик Жон Вильям Роган (1871-1905)нинг бўйи 264 см эди. Унинг бўйи ўтирган ҳолатида ўлчанганди, чунки тизза ва бел бўғинлари фалажлиги туфайли Роган ўрнидан туролмасди. Унинг бўйи вафотига қадар ўсишдан тўхтамаган.

Буфалло шаҳрида, Нью-Йорк штати, яшаган Жон Ф.Кэррол (1932-1969)нинг бўйи 263,5 см. бўлган.

Финляндиянинг Хелсинки шаҳрида туғилган Вайно Миллирникенинг бўйи 251,4 см.га етган. 21 ёшда унинг бўйи 222 см.га етган бўлса, 30 ёшга келиб бу кўрсаткич янада ошган. Вафоти олдидан унинг бўйи 246,8 см эди.

## Энг бўйдор аёллар

Аёллар орасида ҳам бўйдорлари анчагина бўлган. Жумладан, инсоният тарихидаги энг баланд бўйли аёл Хитойнинг Южианг қишлоғида яшаган Сен Чунлиндир. Унинг ғайритабиий ўсиши 4 ойлик чоғидан бошланиб, 4 ёшга етмасданоқ бўйи 156 см., 13 ёшда эса 217 см.га етди. Вафотидан олдидан унинг бўйи 247 см бўлган.

Энг баланд бўйли аёллардан яна бири АҚШнинг Индиана штатидаги Индианаполис шаҳрилик котиба Сенди Аллендир. 1955 йилда туғилган Сендининг 10 ёшида бўйи 190,5 см, 16 ёшда эса 216 см эди. 1977 йили муртак безги олиб ташлангач, унинг бўйи (231,7 см.) ўсишдан тўхтаган.

Буни қарангки, эгизаклар орасида ҳам новчалар учраб тураркан. АҚШнинг Мечиган штатидаги Троя шаҳрилик Майкл ва Жеймс Лэвералар дунёдаги энг баланд бўйли эгизаклар ҳисобланишган. 14 ёшида уларнинг бўйи 216 см.га етган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 233,3 см.ни ташкил этган. Уларнинг синглиси Женнифернинг бўйи эса атиги 157,4 см бўлган.

Дунёдаги энг баланед бўйли эгизак аёллар АҚШнинг Висконсин штатидаги Мадисон шаҳрилик Энн ва Элизабет Жонсонлардир. Энннинг бўйи 185 см бўлса, Элизабетнинг бўйи 188 см эди.

Бўйи 227 см бўлган канадалик Анна Ханин Свон 1871 йилда лондонлик бўйи 219 см.ли Мартин ван Бюрен Бейтсга турмушга чиқади ва шу тариқа улар дунёда энг дароз эр-хотин сифатида қайд этилган.

## Митти одамлар

Табиатдаги номутаносибликни қарангки, кимнингдир бўйи баландлиги учун новча ҳисобланса, кимнингдир бўйи ўта пастлиги учун митти, яъни пакана ҳисобланади.

Тарихдаги энг паст бўйли одам голландиялик Полин Мастерс 1876 йили Оссендрехт шаҳрида туғилган. У туғилган пайтида бўйи 30 см эди, 9 ёшида 55 см.га етди, вазни эса атиги 1,5 кило эди. 1895 йилда 19 ёшида вафот этган Полиннинг бўйи 48 см бўлган. Вазни эса бутун ҳаёти давомида 3-4 килони ташкил этган.

Стаматулла исмли грек қизининг бўйи 9 ёшида 50 см.ни, вазни эса 1,98 килони ташкил этган.

Бриджоутер шаҳри (Массачусете штати, АҚШ)да 1791 йилнинг 14 январида туғилган Калвин Филлипс энг паст бўйли эркак сифатида қайд қилинган. 907 грамм вазнда туғилган Калвин 5 ёшида ўсишдан тўхтаган ва 19 ёшида унинг бўйи 67 см., вазни эса 1,4 кило эди.

У 1812 йил апрел ойида прогерри, яъни бўй ўсмаслик ва барвақт қариш касаллигидан вафот этди.

"Майор Майт" лақаби билан машҳур Вильям Жексон (1864 йили Янги Зеландиянинг Данедже шаҳрида дунёга келган) туғилган пайтр вазни 340 грамм, бўйи эса 23 см эди. 1880 йилда унинг 53 см., вазни эса тўрт килога етди.

1983 йили Порос шаҳри (Греция)лик Демитрис Мороккоснинг бўйи 65 см эканлиги эълон қилинди.

Энг паст бўйли дея ҳисобланган яна бир зот Нелсон де Ла Росадир. 1987 йили Доминикан тиббиёт уюшмаси уни текширганда бўйи 72 см., вазни эса 6,81 кило эканлиги аниқланди.

Матиус ва Бела Матуна 1903 йили (Венгриянинг Будапешт шаҳрида туғилишган) энг паст бўйли эгизаклар ҳисобланишади. Уларнинг бўйи 76 см.дир.

Американинг Флорида штатида истиқомат қилувчи Жон ва Грег Райслар (1951 йил 3 декабрда туғилишган) ҳам энг паст бўйли эгизаклар ҳисобланишади, уларнинг бўйи 86,3 см.дир.

Миттилар орасида узоқ умр кўрганлари кам учрайди. 100 ёшли маррани забт этган саноқли миттилар маълум. Нью-Жерси штатидаги Ньютон шаҳрида туғилган Сюзанна Бокони 1984 йили 24 августда 105 ёшида вафот этган. Унинг бўйи 101 см., вазни 16,78 кило эди.

Узоқ яшаган яна бир митти Мэтлока шаҳрида туғилган Анн Клоувз бўлиб, у 1784 йил 103 ёшида оламдан ўтган. Унинг бўйи 114 см., вазни эса 21,7 кило бўлган.

Биз бугун фақат дарозлар ва паканалар ҳақида айтиб ўтдик, холос. Агар сиз газетамизни мунтазам кузатиб борсангиз, бундан-да қизиқарли ва ажойиб маълумотларга эга бўласиз.

**Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади**

Mitti maslahat

# ИСМ-ШАРИФ ҚАЧОН ЎЗГАРТИРИЛАДИ?

Аввало шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 226-моддасида 16 ёшга тўлган шахслар узрли сабаблар бўлган тақдирда фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартириши мумкин эканлиги белгиланган.

Бироқ ҳозирги пайтда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш учун узрли сабабларнинг тўлиқ рўйхати эмас, балки уларнинг баъзи бирлари кўрсатилган, холос.

Жумладан, бундай сабабларга:

1) агар фамилия, исм ва ота исми эшитилишида ёқимсиз бўлса;

2) агар фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;

3) хоҳишга қараб, никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтиш истаги туғилса;

4) оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);

5) 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **"Давлат тили тўғрисида"**ги қонуннинг 15-моддасига асосан (ушбу моддага кўра, Ўзбекистонда яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исми, ота исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадир);

6) ФҲДЁ идораси томонидан узрли деб топилган бошқа асослар киради.

Бундан ташқари, мураккаб бўлган фамилия (масалан, Саидабрормусахўжаев, Каримхўжамаҳмуд) ва исмларни соддалаштиришни хоҳловчи фуқароларнинг илтимоси ҳам асослидир.

Шу билан бирга ФҲДЁ идораси фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришда зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхатини заруратга қараб аниқлаши мумкин. Масалан, 16 ёшга тўлган шахснинг хунук эшитилиши туфайли фамилияси, исми ва ота исмини ўзгартириш тўғрисида ёзган аризасига туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва далолатнома ёзувини илова қилиш етарлидир. Агар қайд этилган фамилия, исм, ота исми каби ўзгартиришлар киритиладиган далолатнома ёзуви йўқолган, сақланмаган ҳолларда фамилия, исм, ота исми далолатнома ёзуви тиклангач амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, 16 ёшга тўлган шахснинг фамилия, исм, ота исмининг ўзгартирилиши, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида ота-она ёзилган устунга таъсир қилмайди. Масалан, Ҳусанов Бахтиёр Олимович фуқаролар Сатторов Умиджон Тўраевич ва Фозилова Лобархон Боқиевналар қарамоғида яшаб келиб, уларнинг фамилиясида бўлиш истагини билдириб, Сатторов Бахтиёр Умиджонович тарзида ўз фамилияси ва ота исмини ўзгартирса-да, аммо туғилиш гувоҳномасининг ота-онаси қисмида аввалги ота-онаси тўғрисидаги маълумотлар сақлаб қолинади. Агар бу шахс фарзандликка ўтишни хоҳлаб, 18 ёшга тўлганга қадар фарзандликка олиш ҳақида қарор қабул қилинсагина ота-она қисмида ҳам янги фарзандликка олганлар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш давлат божлари ундиришда ҳам турли хил кўринишларга дуч келиш мумкин. Ваҳоланки, қонунга кўра, 17-18 ёшдаги шахслардан минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, 18 ёш тўлгандан кейин эса минимал иш ҳақининг бир баробари миқдорида бож ундирилиши қонунда белгиланган.

Кези келганда яна бир муҳим ҳолат тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз. Оила кодексининг 226-моддаси 2-қисмига кўра, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ФҲДЁ идораси хулосаси ички ишлар идоралари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкинлиги таъкидланган. Бундай текширишларни ўтказиш учун ички ишлар бўлимига 30 кун муддат берилган. Шу муддатда ички ишлар идораси ўзининг ижобий ёки салбий хулосасини бериши шарт. Агар шахс тергов ёки судланган бўлиб, судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд бошқа салбий ҳолатларда ички ишлар идораси рад хулосаси бериши мумкин. Судланганлик олиб ташлангач, шахсга фамилия, исм, ота исмини ўзгартиришга рухсат берилиши мумкин. Ички ишлар бўлимининг хулосасини (ижобий тарздаги) олгач, ФҲДЁ идораси мудири шахснинг аризасини қаноатлантириш ҳақида хулоса тузади ва тегишли давлат божи тўловларини ундириб, далолатнома ёзувига ўзгартиришлар киритади ҳамда янги гувоҳнома беради.



*Фарзанд қувончи*

Jinoyat va jazo

# МЕҲРГА ТАШНА ҚАЛБ

СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда.)*

Бу воқеага анча йил бўлди. Бугун Умида 16 ёшда. У ўрта мактабнинг 9-синфини тугатди. Яқинда Қўқон шаҳар прокуратураси шаҳар туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритиб, Зулхумор Турсунқуловани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўради. Даъвогар бунга Зулхуморни ўтган йиллар давомида қизининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий тарбияси ҳақида қайғурмагани, бир сўз билан айтганда, Оила кодексининг 73-моддасида кўрсатилган оналик мажбуриятларини бажармагани, ҳозир ҳам бажармаётганини сабаб қилиб кўрсатди. Ҳаёт ҳақиқати олдида киши ожиз қолади. Зулхумор ҳам келтирилган важларини инкор қилмади. Аксинча, уларни тасдиқлаб ўзининг оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишига қарши эмаслигини билдирди. Судга оид қонун ҳужжатларида **"Ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 70-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли хулқ-атворига кўра, агар улар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрли сабабларсиз фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса ва ҳоказолар ота-оналар ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш деганда ота-оналик бурчларини узлуксиз равишда бажармаслик, ўз болаларига қандай бўлмасин ғамхўрлик қилмаслик тушунилади"** деб, **"болани бошқа турдаги отаси ёки онасига бериш мумкин бўлмаганида ёки отаси ва онасининг ҳар иккаласи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолларда (агар васий ҳали тайинланмаган бўлса) бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига топширилиши керак"** деб тушунча берилган.

Ана шуларни инобатга олиб, Қўқон шаҳар туманлараро фуқаролик суди даъвони қаноатлантириш, яъни Зулхумор Турсунқуловани оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, Умидани эса шаҳар ҳокимлиги қошидаги васийлик ва ҳомийлик идораси қарамоғига топшириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Бу воқеа, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир кишини фикр-мулоҳаза юритишга ундамай қолмайди. Эҳтимол, кимлардир бундан заррача ҳам таъсирланмаслиги мумкин. Аммо халқимиз нуқтаи назаридан қараганда, ғоятда ачинарли манзара. Тўғри эмасми?! Ахир, ота-онасидан эрта етим қолган болаларни ҳам ўз тарбиясига олиш, уларни ўз боласидан кам кўрмай оқ ювиб, оқ тараб ўстириш, умуман айтганда, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, ҳиммат ва савобни ҳамма нарсадан юқори қўйиш халқимизга хос олийжаноб фазилат саналади.

Бироқ минг афсуски, ҳаётда онда-сонда бўлса-да, Зулхумор ва Исроил сингари ўз фарзандидан кўр-кўрона тонган кимсалар ҳам учраб турарканлар. Аслини айтганда, уларга энг катта жазо — бугун вояга етган Умиданинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўрашидир. Энди ўйлаб кўринг, мулоҳаза юритинг: ҳаётга келиб, ўз фарзандига меҳр бера олмаган кимсани ким деб аташ мумкин?!

Шу ўринда яна бир фикр туғилади: шу пайтга қадар Умида болалар уйида ҳеч нарсадан зориқмай ўсди. Бундан кейин ҳам у оқибатли инсонлар кўмагида ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олади. Аммо унинг ёш қалби фақат бир нарсага ташна. У ҳам бўлса, ота-она меҳри...

**Абдураҳим МИРЗАЕВ, ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ, журналист**

Nadomat

***Иззатали ота-онасидан эрта етим қолди. Уни ўгай акаси Рустамали ўз тарбиясига олиб, вояга етказди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ака укани уйлантириб алоҳида уй-жой қуриб берди.***

# ОҚИБАТСИЗЛИК

Рустамалининг "Машъал" ширкат хўжалиги ҳудудидаги 30 сотих ерда буғдойзори бўлиб, ғаллани суғориш ва парваришлаш Иззаталига топширилганди. Шу ерга яқин жойда Иззаталининг қайноғаси Мўйдинжон Имомалиев ҳам полиз экинлари эккан эди.

Шу йилнинг 15 апрел куни тушдан кейин Иззатали елкасига кетмонини ташлаб, буғдой суғоришга йўл олди. Бориб кўрдики, ариқда шалдираб оқаётган сув тўғри қайноғасининг даласига буриб қўйилган. Иззатали қайноғаси билан "ҳорма, бор бўл"ни бир четга суриб қўйди-да, шартта ариқдаги сувни буғдойзорга бошлади. Бунга қайноғаси эътироз билдирди. Шу тариқа можаро бошланиб, ўртада жанжал чиқди.

Охири Иззаталининг асаблари дош беролмади — у қўлидаги кетмон билан қайноғасининг бошига урди. Шунда Мўйдинжоннинг хотини уларни ажратмоқчи бўлди. Бироқ кўзи қонга тўлган куёв уни ҳам аяб ўтирмади. Аёл дод-вой кўтариб, одамларни ёрдамга чақирди.

Ёрдамга келганларнинг бири қуюшқондан чиққан куёвни инсофга келтирди. Иккинчиси "Тез ёрдам"га хабар бериш учун шу яқин ўртадаги дала шийпонига қараб чопиб кетди. Орадан ярим соат вақт ўтиб, далада "Тез ёрдам" машинаси пайдо бўлди. Шифокорлар кўп қон йўқотиб ҳолсизланган Мўйдинжонни касалхонага олиб кетишди.

Бироқ шифохонада Мўйдинжоннинг ҳаётини сақлаб қолишнинг сира иложи бўлмади. **"Марҳум Мўйдинжон Имомалиевнинг, — дейилади суд тиббий экспертизасининг 19-сонли хулосасида, — оғир очиқ калла, мия шикасти, калла суякларининг очиқ синиши, мия қоринчаларига қон қуйилиши, миянинг қисилиши, бошни юмалоқ тўқималарига қон қуйилиши, бошининг ўнг томон энса соҳасидаги чопилган жароҳат ўлимига сабабчи бўлган".**

Яқинда мазкур жиноят иши юзасидан жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди ўз ҳукмини ўқиди. Иззатали Абдувалиев суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди. Лекин шу ўринда кишини беихтиёр бир қанча мулоҳазалар чулғаб олади. Гап шундаки, "Кимки ғазабини ютса, Аллоҳ таоло ул бандадан азобини қайтаради. Кимки тилини тийса, Аллоҳ таоло ул бандани азобини беркитади" дейилади муқаддас китобларда. Бу бежизга айтилмаган. Жаҳл келганида ўз ақлини йиға билмаган Иззатали бир ўзига эмас, балки оиласи ва қариндош-уруғларига жабр етказди. Энг ёмони, бир инсоннинг умрига зомин бўлиб, қотил деган тавқилаънатни бўйнига олди. Бу ёқда Мўйдинжоннинг болалари отасиз қолди. Оқибатсизлик, жаҳлга эрк бериш ана шундай жаҳолатга йўл очди.

**Зуҳриддин ИБРОҲИМОВ, ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

**Адлия вазирлиги жамоаси Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика Суд-экспертиза маркази директори Саттор Отахўжаевга отаси**
***АБИЛХЎЖА ОТАнинг***
**вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.**

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Б. Атаматовга акаси**
***Абдураззоқ ИБРАГИМОВнинг***
**вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: **Шодиқул ҲАМРОЕВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: **Жаъфар ЖАББОРОВ**

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6